УДК 821.09-1(100).

# МУМТОЗ АДАБИЁТНИ ЎРГАНИШДА БАЛОҒАТ ИЛМИНИНГ АҲАМИЯТИ

**Ғ.О. Бобожонов**

*Мақолада жаҳонга машҳур бадиий асарларнинг яратилиши ва ўрганилишида асос вазифасини ўтаган қонуният ва қоидалар тизими бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмагани илгари сурилди. Мазкур илмий-назарий асосларни инобатга олиш, ўрганиш ва тадқиқ қилиш ўзбек ва жаҳон адабиётшунослиги учун катта имкониятлар эшигини очишига алоҳида урғу берилди. Мумтоз адабиёт намуналарини ўзининг аслий ва асрий мезонларига таянган ҳолда ўрганиш зарурати таҳлил қилинди.*

**Калит сўзлар:** *мумтоз адабиёт, адабиётшунослик, илмлар учлиги, балоғат, маоний, баён, бадиъ, мухотоб.*

*В статье высказано предположение о том, что система норм и правил, послужившая основой для создания и изучения всемирно известных произведений искусства, не утратила своего значения и сегодня. Особый акцент был сделан на том, что учет, изучение и исследование этих научно-теоретических основ открывает большие возможности для узбекского и мирового литературоведения. Проанализирована необходимость изучения образцов классической литературы по их оригинальным и вековым критериям.*

**Ключевые слова:** *классическая литература, литературоведение, троица наук, балагат, маани, баён, бадиъ, мухатаб.*

## Кириш

Бадиий асарларни ўрганишда қандай назарий мезонларга таяниш масаласи ўзбек адабиётшунослигида ҳам, жаҳон адабиётшунослигида ҳам кўплаб баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда. Баъзида амалда қўлланилаётган назарий тамойиллар бадиий асар поэтикасини тадқиқ этишда етарлича асос беролмаётгани бундай баҳсларни юзага келтиряпти. Мазкур ҳолат бадиий асарни тўлатўкис идрок этиш ва илмий ўрганиш борасидаги назарий ҳаракатлар муттасил давом этаётганидан далолат беради. Мақолада шу масалани ўзбек мумтоз адабиётининг ўрганилиши мисолида кўриб ўтишга жазм этдик.

Баъзи тадқиқотчилар мумтоз асарларни идрок этиш ва илмий-назарий ўрганиш учун “илмлар учлиги” деб аталадиган аруз, қофия ва бадиъ илмлари асос қилиб олиниши зарурлигини таъкидлашади [12. Б. 14-15]. Ҳақиқатан, улар асосланаётган илмлар асрлар давомида мумтоз адабиёт намуналарини ўрганишда фаол қўлланиб келди. Бадиий асарнинг метрик хусусиятлари, оҳангдошлик билан боғлиқ жиҳатлари ҳамда эстетик-эмоционал аҳамияти илмлар учлигида кенг тадқиқ этилган. Асрлар синовидан ўтган ва ўзини оқлаган бу жараён бугунгача изчил яшаб келаётгани ҳам мазкур назарий тамойилларнинг бадиий асар поэтикаси учун муҳим аҳамиятга эга эканини яққол кўрсатиб турибди.

Илмлар учлиги асосан лирик асарларнинг баъзи поэтик хусусиятларини тадқиқ этади. Эпик турга мансуб бадиий асарларни ўрганишда назарий жиҳатдан илмлар учлигига таянишга баъзан имкон бўлмайди. Мумтоз адабиётимиз намуналари орасида “Қисаси Рабғузий”, “Маҳбубул қулуб”, “Тарихи анбиё ва ҳукамо”, “Бобурнома” каби ўнлаб насрий асарлар борки, уларнинг поэтик қонуниятларини ўрганишда бевосита вазн хусусиятлари, сўзларнинг ўзаро оҳангдошлиги ёки бадиий санъатлар нуқтаи назаридан ёндашиш етарли бўлмаслиги кузатилади. Уларда асарнинг барча назарий мезонларини ўзида мужассам эта олиш хусусияти топилмайди. Шу ва шу каби омилларни назарда тутган ҳолда, айтиш мумкинки, аруз, қофия ва бадиъга оид қоидалар барча тур ва жанрларга доир асарларни илмий-назарий тадқиқ этиш учун тугал мезон бўла олмаслиги мулоҳаза қилинади. Адабий турлар фақат лирика билан чекланиб қолмаслигини инобатга олсак, бадиий асарлар яратиш, улар-

ни ҳар томонлама идрок ва тадқиқ этишда қамровли, тугал назарий қонуниятларга эҳтиёж сезилади.

Ғарб адабиётшунослиги бадиий асарнинг назарий мезонларини белгилашда асосан рационал йўлни танлагани кузатилади. Инсон ақл-идрокига таянган ҳолда ишлаб чиқилган назарий қоидалар ижтимоий онг маҳсули, инсон тафаккурининг самараси сифатидаги субъектив қарашлардан иборат бўлди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бундай назарий тамойиллар воситасида бадиий асар хусусиятларини синчиклаб ўрганиш, илмий тадқиқ этиш, янги-янги назарий мезонлар таклиф қилиш борасида салмоқли натижаларга эришилиб келинмоқда. Эҳтимол, шунинг учундир, мазкур қарашларни адабиёт назариясининг асоси сифатида қабул қилиш бир қадар оммалашиб улгурди.

XX аср ўзбек адабиётшунослиги бевосита ушбу назарияга таянган ҳолда иш кўрди ва бу жараён ҳозиргача давом этяпти. Ўтган асрнинг охирларидан бошлаб, бир қанча ўзбек адабиётшунослари назарий тамойилларни белгилашда янгича ёндашув заруратини чуқур ҳис қилган ҳолда адабиёт назариясининг янги авлод дарсликларини яратиш устида иш бошлашди. Шундан бери бу борада бир-биридан муайян фарқ қилувчи кўплаб илмий адабиётлар яратилди. Уларни яратишда асосан Ғарб адабиётшунослигидаги энг илғор назарий тамойилларга таянилганининг гувоҳи бўлиш мумкин.

Мазкур назарий мезонлар ҳар қандай бадиий асардаги барча хусусиятларни инобатга олган ҳолда тадқиқ этиш имконини бериши назарда тутилган эди. Ғарбда яратилган жаҳон адабиётига мансуб барча асарлар шу назарий мезонлар асосида ўрганилиши катта манфаатлар бериб келяпти. Ўзбек адабиётида охирги юз йил ичида яратилган асарлар учун ҳам мазкур назарий мезонлар асос бўлиб хизмат қилмоқда. Аммо Шарқ-ислом адабиёти намуналарини илмий тадқиқ қилиш асносида мазкур назарий қарашларга асосланилганда бир мунча мулоҳазаталаб жиҳатлар кўзга ташланади.

Рационал назария бадиий асарда муаллиф шахсияти, қатъий ишончи, асл ва асар хусусиятлари, воқелик ва хабар ўртасидаги боғлиқлик, мажознинг ҳар доим ҳақиқатга ўринбосар бўлиши, оламни идрок этиш тарзида нақл – илоҳий хабар воқелиги каби бир қанча муҳим ва зарурий хусусиятларни назарий тадқиқ этиш йўлидан бормайди. Шунингдек, фақатгина Шарқ-ислом адабиёти учун мансуб жанрларнинг типологик хусусиятлари ҳамда назарий мезонлари юзасидан Ғарб адабиёт назариясида илмий асосланган қарашлар деярли кузатилмайди. Ваҳоланки, Шарқ-ислом адабиётини юқорида санаб ўтилган жиҳатлар, хусусан, илоҳий хабар воқелигидан айро ҳолда ўрганиш орқали холис, тўғри ва илмий асосланган хулосалар чиқариш имконсиз бўлиб қолади. Бадиий асар яратилишида асос вазифасини ўтаган барча воқеликлар (жумладан, илоҳий хабар воқелиги)ни тўла қамраб ололмаслик ва уларни тўғри тасниф қила олмаслик ёки бирортасини эътибордан четда қолдириш бадиий асарни тўғри идрок ва тадқиқ этилишига муайян даражада тўсқинлик қилади.

Асрлар давомида Шарқ-ислом адабиёти жаҳон бадиий хазинасига энг сара асарларни тақдим этди. Орадан бир неча юз йилликлар ўтган бўлса-да, инсоният ундай залварли асарларни қайта яратишга эриша олмагани ўша асарлар мавқеининг нақадар юксак эканидан далолат беради. Эндиликда мазкур асарлар қандай назарий асосларга таянган ҳолда яратилгани, уларни идрок ва тадқиқ этишда қайси йўлдан бориш мақбул экани, уларнинг асрий забардастлигининг боиси нимадалигини илмий ўрганиш жаҳон адабиётшунослиги олдидаги долзарб вазифалардан бири бўлиб турибди.

**Тадқиқот методи ва материаллар**

Мумтоз асарларни қандай назарий мезонлар асосида ўрганиш масаласи асрлар давомида кенг тадқиқ этилган. Матн қонуниятларини алоҳида тизим сифатида ўрганувчи мустақил илм XIII асрдан бошлаб тўла шаклланди. Бунда Абдулқоҳир Журжоний ва Абу Яъқуб Юсуф Саккокий каби олимларнинг хизматлари катта бўлди. Кейинги асрларда Бадриддин ибн Молик, Жалолиддин Қазвиний, Саъдуддин Тафтазоний, Саййид Шариф Журжоний сингари олимлар бу борадаги ишларни изчил давом эттиришди. Аҳмад Жавдат Пошо мазкур қоида ва қонуниятларни туркий тил ва туркий адабий асарларга татбиқан ўрганди.

XX аср бошларида Фитрат, Вадуд Маҳмуд, Абдураҳмон Саъдий каби олимлар бадиий

асарлар назарий асосларини ўрганишда анъанавий ёндашув масаласига бир қадар эътибор қаратишди. Аммо уларнинг мазкур соҳа билан алоҳида ва кенг шуғулланмагани ёки ўша давр ҳукмрон мафкураси доирасида чекланишга мажбур бўлгани кейинги даврлар учун салмоқли илмий асослар бера олмади.

Охирги чорак аср давомида қардош туркий халқлар адабиётшунослигида адабиёт назариясини анъанавий тизим асосида ўрганишга кўп мурожаат қилинган бўлса-да, ўзбек адабиётшунослигида бу каби ёндашув деярли кузатилмаганини таъкидлаш ўринли. Фақат адабиётшунос олим Аъзамхон Қозихўжаевнинг бир қатор илмий мақолаларида мазкур ёндашувнинг дастлабки намуналарини учратиш мумкин.

Бадиий асар яратиш ҳамда уни идрок ва тадқиқ этишда асос қилиб олинган қоида ва қонуниятлар аслдагига мувофиқ бўлишига эътибор қаратилган. Яъни асардаги барча мезонлар аслга қиёсан ишлаб чиқилган. Ушбу мақолада биз ҳам қиёсий таҳлил усулидан фойдаланган ҳолда мумтоз адабиётни ўрганишда мувофиқ назарий асослар масаласини кўриб чиқишга ҳаракат қилдик.

**Натижалар ва уларнинг муҳокамаси**

Бизнингча, мумтоз адабиётимиз намуналарини идрок ва тадқиқ этишда ўша давр муаллифларининг ўзлари таянган илмий-назарий асослардан келиб чиққан қолда ёшдашилса, ҳар жиҳатдан мувофиқ ечимга келинган бўлади. Жаҳон адабиётига энг сара намуналарни тақдим эта олган адабиётнинг назарий асослари ҳам ҳар жиҳатдан пухта ишлаб чиқилган бўлиши шубҳасиздир. Мумтоз асарларни ўрганишда замон ва макон жиҳатдан бир қадар олис назарияларни татбиқ этмасдан, аслида муаллифнинг ўзи таянган ва асар яратилиши учун асос вазифасини бажарган мезонларга суянилиши энг тўғри ва мақбул йўл ҳисобланади.

Шарқ-ислом адабиётида бадиий матннинг энг кичик унсуридан тортиб барча хусусиятларини илмий-назарий тадқиқ этиш асрлар давомида балоғат илми воситасида амалга оширилган [13. Б. 5]. Борлиқдаги табиий қонуниятларга таянган ҳолда иш кўрувчи балоғат илми бугунги кунда минг йилдан ортиқ тарихий даврни бошидан кечирган. Шу муддатда у назарий мезонлари аниқ белгилаб, таснифлаб чиқилган, бўлим ва қисмларга тақсимланган, муайян кетма-кетликда бири бошқасини тақозо этувчи мунтазамлик тусидаги қоидаларга эга бўлган ҳамда тўла шаклланган тугал бир илм ҳолатига келди. Ўз қоидаларини ишлаб чиқишда ижтимоий онг маҳсули бўлган матнларгагина эмас, инсон онг-шууридан юксакда турувчи, қамровдор ва ўзгармас манбаларга таянгани сабабли эндиликда балоғат илми ҳар қандай субъектив қарашдан юқори мақом касб этмоқда. Шу нуқтаи назардан балоғат ижтимоий онг маҳсули бўлган бошқа назарий мезонлардан жиддий фарқланади.

Балоғатнинг қандай илм экани ва нималар асосида иш кўриши хусусида муфассал тўхталиш бу ўринда мақсад қилинмагани боис қуйида бевосита балоғат илмининг мумтоз адабиётни ўрганишдаги аҳамиятига оид айрим жиҳатларни кўриб чиқамиз.

1. Аввало, балоғат матнни нафақат поэтика нуқтаи назаридан, балки барча илм-фан соҳаларига оид мезонларни инобатга олган ҳолда тадқиқ этиш йўлидан боради. Бунда бирон жиҳатни тадқиқ йўсинига алоқасиз ёки бегона деб ҳисобламайди. Бадиий матнни бир вақтнинг ўзида ҳам тилшуносликка, ҳам адабиётшуносликка мансуб мезонлар асосида қамровдор тарзда ўрганади. Тилшунослик матнни балоғат илми нуқтаи назаридан текширишдаги таянч соҳа сифатида қаралади [2. Б. 38-41]. Шу боисдан тилшунослик ўзининг барча соҳа ва тармоқлари, қоида ва мезонлари билан балоғат илми таркибига киради.

Бадиий асар матнини фақат тилшунослик ёки адабиётшуносликка оид тушунчалардан иборат бўлиши ҳам бир қадар нисбийдир. Сабаби, бадиий матнда, хусусан, мумтоз асарларда бир қанча илм-фан ва санъат соҳаларига оид тушунчалар жамланганининг гувоҳи бўламиз. Уларнинг ҳар бирига фақат поэтик нуқтаи назардангина эмас, балки ўша соҳанинг аслий мезонларидан келиб чиққан ҳолда илмий ёндашиш матн тақозосидир. Муаллифнинг мақсадини идрок этиш ҳам айни шу йўлдан боришни талаб қилади. Буларнинг барчаси бадиий матнни комплекс ўрганиш заруратини юзага келтиради. Балоғат илми эса айни шу муаммони – матндаги барча хусусиятларни қамраб олган ҳолда комплекс тадқиқ этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган илмий таълимот сифатида юзага келган. Бунда матннинг энг

кичик унсуридан тортиб муаллифнинг умумий маслагигача бўлган миқёс эътиборга олинади.

2. Асар яратишда бадиий ижоднинг бошқа турларида бўлгани каби, аввало, ижодкор учун материал вазифасини ўтаган омил катта эътиборга эга. Шу маънода, бадиий асарни идрок ва тадқиқ этишда матннинг бадиий асар сифатида шаклланишидан олдинги ҳолати муҳим саналади. Балоғат илми айни шу жиҳатни инобатга олиш ва шунга таяниб иш кўриш йўлидан боради [6. Б. 57]. Бунда, аввало, бадиий асар яратиш учун асос бўлган асл, яъни воқелик тасниф этилади. Маълумки, инсон йўқдан бор қилиш – аслни яратиш имконияга эга эмас. Шунинг учун у ўз ижод намунасини яратишда албатта муайян аслга асосланади. Ижодкорнинг шу тарзда яратган матнига асар сифатида қаралади. Асл ва асар ўртасидаги муносабатлар синчиклаб тадқиқ этилиши муаллиф ўз олдига қўйган мақсадни қай даражада уддалаганини яққол кўрсатади. Муаллифнинг ижод намунасига асар сифатида қараш муайян аслнинг мавжудлигига далолат қилади ва уни инобатга олиш, хусусиятларини ўрганиш кабиларни тақозо этади. Зеро, бадиий асарга аниқ, тўғри ва холис илмий баҳо бериш учун асл ва асар муносабати етакчи аҳамият касб этиши шубҳасиз. Акс ҳолда, бадиий асарни тушуниш ҳам, тадқиқ этиш ҳам шунчаки субъектив мулоҳаза бўлиб қолаверади.

3. Балоғат бир бутун бадиий матннинг зарурий, керакли ҳамда қўшимча жиҳатларини назарда тутади. Матндаги зарурий жиҳатлар бевосита борлиқдаги табиий қонуниятлар, керакли жиҳатлар кўпинча инсон омили манфаатларини инобатга олади. Қўшимчалар эса матннинг аслига том маънода алоқадор бўлмаса-да, муаллифнинг нуқтаи назарини тугал ифода этувчи ва ойдинлаштирувчи ҳамда матнга эстетик-эмоционал хусусият берувчи омиллар саналади. Балоғат олимлари мазкур илмни тасниф этишда айни шу мезонларга таянган ҳолда иш кўришган. Ҳар қандай матн-нинг ҳарфлар, сўзлар ва гаплардан тузилиши ҳамда уларга оид қоидалар зарурий қисм мақомида туради. Бу қисмга оид тушунчаларни илмий тадқиқ этишда асосан борлиқдаги мавжуд қонуниятларга асосланилади. Улар қатъий ва ўзгармас қонуниятлар бўлгани учун инсонга хос субъектив қарашларга таяниш мутлақ ҳукм ёки хулоса вазифасини бажара олмайди.

Балоғатнинг бундай қатъий ва ўзгармас қонуниятларга эга бўлиши матнда инсон омили ва унинг манфаатларини назарда тутилмаслигига далолат қилмайди. Аксинча, балоғат матнни идроклашда фақат инсон онги доирасидаги мезонлар билангина чекланиб қолмасликка алоҳида аҳамият қаратади. Балоғатнинг энг қуйи ва юқори даражаларини белгилашда олимлар худди шу қамровдорликни назарда тутишади [1. Б. 42-43]. Шу билан бирга, балоғат илми инсоний тафаккур тақозосини ҳам албатта инобатга олади. Бу эса ўз навбатида қатъий ва ўзгармас қонуниятларга асосланган матнни фарқли замон-маконга мансуб турли кишиларга етказишнинг энг мақбул тарзини ўзида акс эттиради. Шу зайлда ўзгармас қонуниятлар инсон онг-шуурига хос тушунчалар билан омихталашиб, муайян мухотобга етиб боради [12. Б. 43]. Шу ўринда балоғат илмининг кенгаювчанлик ва қамраб олиш тамойили яққол намоён бўлади. Эътибор ва мартаба жиҳатидан заруратдан кейинги ўринда турувчи ушбу қисм инсон омили учун кераклиликни ўзида ифода этади.

Матн учун зарурат ва керакли жиҳатлар хусусидаги қонуният ва қоидаларни ўзида мужассам этган қисмлар балоғат илмининг икки асосий бўлими – маоний ва баённи ташкил қилади [3. Б. 14]. Ҳар қандай матнни идрок ва тадқиқ этиш бевосита ушбу икки бўлимнинг назарий мезонлари орқали амалга оширилади. Булардан ташқари матнга оид барча қоидалар қўшимча мақомида қаралади. Бу муаллифнинг ижодий салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда матнга киритилган ҳар қандай ҳодисани ифода этади. Ушбу – бадиъ объекти сифатида қараладиган санъатлар – балоғат илмида “қўшимча қисм” тарзида эътироф этилади [4. Б. 8]. Ўз ўрнида бадиъ қоидалари ҳам матннинг кенгаювчан хусусиятини таъмин этади.

4. Ҳар қандай матн, хусусан, бадиий матнда муаллиф маслагини ифода ва идрок этишда мажоз етакчи омил ҳисобланади. Худди асл ва асар муносабатида бўлгани каби мажозда ҳам воқелик муҳим аҳамиятга эгадир. Агар мажоз муайян қоидалар воситасида ўзининг асли бўлган воқеликка – ўз ҳақиқатига етиб бормас экан, у ҳолда моҳиятини йўқотади [6. Б. 357]. Муаллифнинг бундай тарзда мажоз ишлатиши ё ёлғон, ёки илмий жиҳатдан тўла асосланмаган бўлиб қолади.

Мумтоз адабиётимиз намуналарида ҳақиқат ва мажоз масаласи марказий ўрин тутади. Бу

икки жиҳат орасидаги боғлиқлик аниқ, холис ва илмий асосланган тарзда ўрганилиши тақозо этилади. Ҳар қандай субъектив мулоҳаза матнда ҳақиқат ва мажоз ўртасидаги боғланишга қатъий таяниши зарурат тусини олади. Мумтоз асарларда кўп ишлатиладиган ёр, май, бода, ҳажр, ватан, ошиқ, маъшуқ, дийдор, соқий каби ўнлаб тушунчалар айнан ҳақиқат ва мажоз нуқтаи назаридан тизимли ўрганилиши матнни тўғри идрок ва тадқиқ этиш имконини яратади. Ҳар бир мажоз фақат субъектив мулоҳаза воситасида эмас, аниқ, илмий асосланган ва холис тарзда ҳақиқатга боғланиши, шу билан бирга, муаллиф мақсадини яққол ифодалай олиши заруратдир.

5. Балоғат қоидалари матндаги хабарнинг воқеликка қай даражада мувофиқ эканини ҳамда муаллифнинг воқеликка муносабатини текшириш масаласига катта эътибор қаратади [5. Б. 25]. Бунда муаллифнинг шахсий хусусиятлари муҳим аҳамият касб этади. Шахсий хусусиятларга эътибор қаратиш Шарқ-ислом илм-фанининг барча соҳаларида зарурий омил ҳисобланган. Тоза ва соф кўнгилли, қалби тўғри ишончга мустаҳкам боғланган, хулқини юксак фазилатлар билан безатган, мақсади илоҳий-умумбашарий эзгуликни ифода этувчи, сўзи ва амалида содиқ муаллиф шахсияти бадиий матнга катта таъсир ўтказади [10. Б. 30]. Ўзўзидан маълумки, мазкур таъсир бадиий матн воситасида ўқувчи-китобхонга ҳам етиб боради. Шуни назарда тутган балоғат олимлари ҳар бир хабар етказувчи – муаллифнинг шахсиятини муайян мезонлар асосида тадқиқ этади. Бадиий сўзнинг қудратли таъсири башарият тариққиёти учун ёки дунёни вайрон этиш учун ҳам ишлатилиш хусусиятига эга. Бу борада муаллиф қандай йўлни танлаши, нималарни тўғри деб билиши ва китобхонга нимани тарғиб қилиши, ўқувчилар оммасини қайси томонга бошлаши албатта энг асосий омил сифатида инобатга олинади.

Сўзи ва феъл-ҳаракатида уйғунлик бўлмаган ёки асоссиз нарсаларга таянадиган, эътироф этилган умумэстетик меъёрларга зид бўлган воқеликка таяниб иш кўрадиган муаллиф яратган матн балоғат нуқтаи назаридан ҳеч қандай эътиборга эга бўлолмайди. Мисол учун, ҳазрат Алишер Навоий ўз даври ижодкорлари ҳақида маълумот берар экан, бу каби жиҳатлар хусусида алоҳида тўхталиб ўтган [8. Б. 5; 9. Б. 9]. Мумтоз адабиётимизнинг аксарият вакиллари бу тамойилни умр бўйи маҳкам тутиб яшаб ижод қилишган. Улар жаҳон адабий-эстетик хазинасини энг нодир асарлар билан бойитгани ҳам, бизнингча, айни шу жиҳатлар билан боғлиқ бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Афсуски, совет даври адабиётшунослигида мазкур ёндашув бир қадар эътибордан четда қолдирилди. Мумтоз бадиий асарларни ўрганишда муаллиф шахсияти, унинг турмуш тарзи, дунёқараши, эътиқоди, қадриятлари мундарижасига асосланиб эмас, асарни муаллиф шахсиятидан юлиб олиб, ҳукмрон мафкура тақозосига кўра идрок ва тадқиқ этиш ҳолатлари ҳам кузатилди. Шунингдек, кейинги ўттиз йил ичида олиб борилган тадқиқотларда мумтоз адабиётдаги ҳар қандай жиҳатни фақат тасаввуф билан боғлаб тушунтириш ҳам соф илмий нуқтаи назардан ўзини етарлича оқламагани бугунги кунга келиб янада ойдинлашди. Муаллиф шахсияти ва бадиий сўзини субъектив тарзда биргина тушунчага боғлаб қўйиш ва уни мутлақлаштириш матнни балоғат мезонлари асосида ўрганишга жиддий тўсқинлик қилади.

6. Балоғат матннинг барча ҳолатини ўзида акс эттирувчи бир бутун ва умумий низомга дахлдорлигини тадқиқ этади. Бунда матндаги ҳар бир унсур, ҳатто белги ҳам муаллиф назарда тутган маслакка қай даражада хизмат қилиши ва қандай вазифани бажараётганига алоҳида эътибор қаратилади. Бинобарин, буларнинг барчаси асар балоғатини ўрганиш учун зарурдир. Мазкур назарий муаммони аниқлашда балоғат илми шайх Абдурқоҳир Журжоний ишлаб чиққан назм қонуниятини асос қилиб олади [7. Б. 79]. Матннинг энг катта, энг буюк, энг муҳим ва салмоқли, айни пайтда, матн балоғатини таъмин этувчи хусусияти бу – матн назми экани эътироф этилади.

Бизнингча, кейинги пайтларда мунозараларга сабаб бўлаётган мумтоз адабиётдаги айрим муаммолар – ғазал таркибидан бегона байтнинг жой олиши ёки матнда умумий маънодан узилиш ҳолатлари кузатилиши, асосий мавзудан чекинишга йўл қўйилиши, мумтоз бадиий асар қисмларининг бир-бирига боғланмагани каби бир қатор номувофиқликлар балоғат илмидаги назм назариясини татбиқ қилиш орқали аслида асар муаллифига эмас, ўқувчи-тадқиқотчига оид субъектив қараш экани ўз исботини топади. Мумтоз матнни назм мезонлари асосида

ўрганмаслик бадиий асар ва унинг муаллифи ҳақида аниқ, илмий ва холис хулосага келишга ҳар доим монелик қилади.

7. Ниҳоят, балоғат илми матнни идрок ё тадқиқ этувчига асар юзасидан ўз талқини, хулоса ё ҳукмининг тўғри-нотўғрилигини текшириш имконини беради. Бунинг учун, асосан, айни матннинг ўзига, шунингдек, айни муаллифнинг бошқа матнларига таяниш тақозо этилади. Бунда муайян матн ҳақида билдирилган субъектив фикр ҳамиша матнда ифода этилган муаллиф нуқтаи назаридан қуйида туради. Балоғат матнни ўрганишда шахсий субъектив қарашларга таянишдан олдин, аввало, муаллиф матнида мавжуд зоҳирий асосларга, сўнгра матн тақозо қилаётган маънога таянишга ундайди. Қолаверса, матн ҳақида билдирилаётган фикр муаллиф мақсадига қай даражада мувофиқ экани ҳам инобатга олинади. Бунда у нафақат бадиий матнга, шу билан бирга муаллиф шахсиятига ҳам уйғун бўла олиши зарур. Шунингдек, билдирилаётган субъектив фикр борлиқдаги табиий қонуниятларга ҳам зид бўлмаслиги муҳим саналади.

Балоғат илми бадиий асарни идрок ва тадқиқ этишда, фикр билдириш ва хулоса чиқаришда аниқ илмий мезонларга таяниб иш кўриш йўлидан боради. Шу тарзда ҳар қандай субъектив фикрни юқорида санаб ўтилган жиҳатлар билан текшириб кўриш имконияти юзага келади. Бу имконият муаллиф мақсадига энг мақбул даражада яқинлаштиради.

**Хулоса**

Мухтасар айтганда, балоғат илмининг назарий мезонлари қарийб ўн аср давомида туркий мумтоз адабиётимиз намуналарининг яратилиши, идрок ва тадқиқ этилиши учун мустаҳкам замин вазифасини ўтаб келди. Охирги бир аср ичида муайян сабабларга кўра адабиётшунослик илмидан ажратиб қўйилди. Эндиликда эса жаҳон илм-фани ва бадиий тафаккурига энг етук, дурдона асарлар тақдим этилишига боис бўлган мазкур илмни яна ўз мақомига қайтариш муҳим натижа ва ютуқларни қўлга киритишга ёрдам беради.

Халқ таълими, олий ва ўрта-махсус таълим тизимида ўқитилиб келаётган мумтоз адабиёт намуналарининг балоғат мезонлари нуқтаи назаридан ўрганилиши, бизнингча, қуйидаги самараларни беради:

Мумтоз бадиий асарларни балоғат илми мезонлари асосида тадқиқ этиш орқали муаллиф асар яратиш асносида таянган илмий-назарий асосларни тўғри аниқлаш имкониятига эга бўлинади.

Балоғат илмининг қонуният ва қоидалари муаллиф назарда тутган мақсадни топишга, асардаги мажоз, рамз, образ ва шу кабиларни илғаб етишга мухотобни энг етук даражада яқинлаштиради. Шунингдек, асар юзасидан ҳосил бўлган фикр ва хулосаларининг муаллиф нуқтаи назарига қанчалик мувофиқлигини текшириб кўришга илмий асос пайдо бўлади.

Бадиий асар яратиш, уни идрок ва тадқиқ этишда балоғат мезонларига таяниш матндаги аслий ва оризий нуқсон, ғализлик ва номувофиқликларни аниқлашга мустаҳкам замин яратади.

Балоғат матнни ўрганишда шахсий субъектив қарашларга таянишдан олдин борлиқдаги табиий қонуниятларга асосланган ҳолда ифода ва идрок этиш йўлидан борган тарзда иш юритади. Шу нуқтаи назардан, балоғат қоидалари нафақат бадиий матн, балки ҳар қандай матн учун тааллуқли бўла олади.

Балоғат қоидалари матндаги хабарнинг воқеликка қай даражада мувофиқ эканини ҳамда муаллифнинг воқеликка муносабатини текшириш масаласига катта эътибор қаратади. Бунда муаллифнинг шахсий хусусиятлари катта аҳамият касб этади.

Ниҳоят, балоғат матннинг барча ҳолатини ўзида акс эттирувчи бир бутун ва умумий низомга дахлдорлигини тадқиқ этади. Бунда матндаги ҳар бир унсур, ҳатто белги ҳам муаллиф назарда тутган маслакка қай даражада хизмат қилиши ва қандай вазифани бажараётганига алоҳида эътибор қаратилади. Мазкур назарий муаммони аниқлашда балоғат илми назм қонуниятини асос қилиб олади. Матннинг энг катта, энг буюк, энг муҳим ва салмоқли, айни пайтда, матн балоғатини таъмин этувчи хусусияти бу – матн назми экани эътироф этилади.

**Адабиётлар:**

1. الخطيب القزويني. الايضاح في علوم البلاغة. بيروت. دارالكتب العلمية. ٢٠٠٣ م.
2. الخطيب القزويني. تلخيص المفتاح. بيروت. المكتبة العصرية. ٢٠١٤ م.
3. سعد الدين التفتازاني. المطول. شرح تلخيص مفتاح العلوم. بيروت. دارالكتب العلمية.٢٠١٣م.
4. سعد الدين التفتازاني. شرح المختصرعلى تلخيص المفتاح. گزرجان. كتاب فروشي.
5. الشيخ محمدي البامياني. دروس في البلاغة (شرح مختصرالمعاني للتفتازاني). الجزء الاول. بيروت. مؤسسة البلاغ. ٢٠٠٨م.
6. السيد الشريف الجرجاني. الحاشية على المطول. بيروت. المكتبة العصرية. ٢٠٠٧ م.
7. مكتبة الخانجي مطبعة المدني.دالئل الإعجاز. النحوي بكر بوأ الجرجاني محمد بن الرحمن عبد بن قاهر.2011 عبد .
8. Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. МАТ. 20 жилдлик. 13-жилд. – Тошкент: Фан, 1997.– 284 б.
9. Алишер Навоий. Хамсат ул-мутаҳаййирин. Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер. Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад. Назм ул-жавоҳир. МАТ. 20 жилдлик. 15-жилд. – Тошкент: Фан, 1999.– 236 б.
10. Ғиёсиддин Хондамир. Макорим ул-ахлоқ / Форс тилидан К.Раҳимов таржимаси. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2015. – 208 б.
11. Bulut, Ali. Belâgat terimleri sözlüğü. İstanbul, 2015. – 528 s.
12. Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Тошкент: O‘zbekiston, 2014. – 319 б.
13. Қазвиний, Муҳаммад ибн Абдураҳмон. Талхис ал-мифтоҳ: (нутқ илмига оид рисола). – Тошкент: Qamar-media, 2020. – 324 б.

## THE SIGNIFICANCE OF BALAGAH SCIENCE IN STUDYING CLASSICAL LITERATURE

**G'.O. Bobojonov[1]**

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Gumanitar tadqiqotlar – Scientific Bulletin. Series: Humanitarian Studies. 2022. 7(67). 29-36

[1]New Century University, Tashkent, 100035, Chilonzor district, Sogalli ota street, 5 (Uzbekistan). Email: yangiasruniversiteti@gmail.com

**Key words:** classic literature, literary studies, science triangle, balagah, maani, bayan, badi', muhatab.

In the article, it was suggested that the system of rules and laws, which served as the basis for the creation and study of world-famous works of art, has not lost its importance even today. Special emphasis was placed on the fact that taking into account, studying and researching these scientific-theoretical foundations opens the door to great opportunities for Uzbek and world literary studies.

The question of what theoretical criteria to rely on in the study of works of art has been the cause of many debates both in Uzbek literary studies and in world literary studies. Such debates are caused by the fact that sometimes the theoretical principles used in practice do not provide sufficient grounds for researching the poetics of an artistic work. This situation indicates that the theoretical efforts for the full understanding and scientific study of the work of art are ongoing.

Some researchers emphasize the need to use the «science triangle» as a basis for studying classical works. The «Science triangle» they promote has been in active use for centuries. However, it is considered that the science cannot be a complete criterion when studying the poetic laws of prose works.

It is observed that Western literary studies mainly chose a rational way in determining the theoretical criteria of a work of art. Uzbek literary studies of the 20th century worked directly based on this theory, and this process continues to this day. However, in the course of the scientific research of samples of Eastern-Islamic literature, based on these theoretical views, some aspects are noticeable.

For centuries, Eastern-Islamic literature has presented the best works to the world's artistic treasury. It is one of the urgent tasks of world literary studies to scientifically study the theoretical foundations of these works, what is the optimal way to understand and study them, and what is

the reason for their perfection.

In our opinion, if in understanding and researching the samples of our classical literature, the authors of that time are based on the scientific and theoretical foundations, then the appropriate solution will be reached in all respects. There is no doubt that the theoretical foundations of the literature, which has been able to present the best examples to the world literature, have been carefully developed in all respects. In the study of classical works, it is the most correct and acceptable way to rely on the criteria that the author himself relied on and served as the basis for the creation of the work, without applying theories that are somewhat distant in terms of time and space.

**References:**

1. Khatib Qazviny Jalaluddin Muhammad ibn Abdurahman. (2003) Iyzah fi ulumil balagah [Comment to the balagah science] Beirut: Dar al-kitab al-ilmiyyah.

2. Khatib Qazviny Jalaluddin Muhammad ibn Abdurahman. (2014) Talxisul Miftah [Short of «The key of knowledge»] Beirut: Maktabatul Asriyya.

3. Sa'duddin Taftazani. (2013) Mutavval [Extended]. Beirut: Dar al-kitab al-ilmiyyah.

4. Sa'duddin Taftazani. Iyzah fi Talxisul Miftah. [Short comment of «The key of knowledge»] Gazrjan: Kitabphurushi.

5. Muhammad Bamiyani. (2007) Durusun fi balagah [Units of balagah]. Beirut: Muassasatul balag.

6. Sayyid Sharif Jurjani. (2008) Hashiyatu ala Mutavval [Comment to the «Extended»]. Beirut: Maktabatul Asriyya.

7. Abdulqahr Jurjani. (2011) Dalayilul I'jaz [Evidence of a miracle]. Beirut: Tab'atul xariji.

8. Alisher Navoi. (1997) Perfect collection of books. The thirteenth roof. Tashkent: Fan.

9. Alisher Navoi. (1999) Perfect collection of books. The fifteenth roof. Tashkent: Fan.

10. Xandamir, Giyasiddin. (2015) Makarimul axlak. [Nice manners]. Tashkent: G'afur G'ulom nomidagi NMIU.

11. Bulut, Ali. (2015) Belâgat terimleri sözlüğü [Glossary of balagah terms]. Istanbul.

12. Iskakov, Y. (2014) So'z san'ati so'zligi [The vocabulary of word art]. Tashkent: Uzbekistan.

13. Khatib Qazviny Jalaluddin Muhammad ibn Abdurahman. (2020) Talxisul Miftah [Short of the key of knowledge]. Tashkent: Qamar-media.

*Муаллиф ҳақида маълумот:*

**БОБОЖОНОВ Ғулом Озодович** – филология фанлари бўйича фалсафа доктори, Янги аср университети Умумтаълим фанлар кафедраси ўқитувчиси. E-mail: anzurut@mail.ru